

**ҚИШЛОҚ УЙЛАРИНИ ИСИТИШГА САРФЛАНАДИГАН  
ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ, ЎРНАТИЛГАН МЕЬЁРЛАР ВА УЛАРНИ  
ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

*Г.Удербаева, А.Жадигеров*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Энергия ресурсларидан самарали фойдаланиши бугинги кундаги давлат дараражасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу муаммоларни ҳал этишда қишлоқ уйларини иситишга кетадиган энергияни аниқлаш ва камайтириши алоҳида аҳамият касб этиши айтилади.

**Калит сўзлар:** газлаштириши, энергия миқдори, меъёр, энергия ресурслари, иситилиши муддати, энергия аудит

Республикамиз учун биринчи навбатда табиий газни сезиларли миқдорда тежалиш имконини берадиган чора – тадбирларга аҳамият берилиши талаб қилинади. Бу борада бинолардан фойдаланиш жараёнида сарфланадиган энергияни тежаш ниҳоятда муҳим.

Маълумки, биноарни иситишда энергия ресурслари газ ёкилғиси ва электр энергиясидан фойдаланилади. Республика ва туманларда газлаштириш, аҳолигазарур бўлган энергия ресурсларини етказиб бериш ва улардан оқилонафойдаланиш бўйича амалий ишлар бажарилиши зарур.

Бугунги кунда хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида ҳам газлаштирилмаган ёки газ этиб бориши қийин бўлган қишлоқлар мавжуд. Бундай қишлоқлар кундалик эҳтиёжини қондириш учун газ балонлардан фойдаланиб келмокда. Газлаштирилмаган қишлоқларда биноларни иситишда ўтин ва кўмир ёкилғиларидан ёки электр энергиясидан фойдаланишади.

Нукус шахри иқлимий шароит учун иситилиши муддати 143 кун, иситиш давридаги ташқи ўртacha ҳаво ҳарорати -0,6 °C, ўртacha хона ҳарорати +20 °C.

Биноларни иситишига ва табий шамоллатишга сарфланадиган энергия, 3000 градус – суткадан дан юуқори бўлган шароитлар учун бир қаватли қишлоқуи ўрнатилган меъёрий хужжатларга асосан,  $150 \text{ Вт}/\text{м}^2$  дан кўп бўлмаслиги талаб этилади. Бунда Нукус ш. Учун ташқи ҳарорат “Б” параметрлари бўйича -

$20^\circ\text{C}$  тенг[8]. Халқаро ўрнатилган тартибга асосан йил даврмида сарфланган солиштирма иссиқлик микдори бино энергиясамарадорлигини белгилаб берувчи катталик ҳисобланади. Нукус ш. учун йил давомидаги солиштирма иссиқлик сарфи  $[150:(20-(-20)] \times [20-(-0,6)] \times 24 \times 143 = 265 \text{ кВт соат}/\text{м}^2$  йилни ташкил этади.

Нукус тумани қишлоқларида қурилган ҳар хил архитектуравий ва конструктив ечимга эга уйлар мисолида, уларни иситиши ва табий шамоллатишучун сарфланётган иссиқлик энергияси микдори ва бу энергия сарфини ўрнатилган меъёрлар ва бошқа мақбул усууллар ёрдамида камайтиришнинг самарадорлигини аниқлашга қаратилган изланишлар олиб борилди.

ҚМҚ 2.01.04-97 бўйича Нукус тумани қишлоқ ҳудудида жойлашган уйларнинг энергия аудит З та кўрсатгич бўйича I-даражали (иссиқлик ҳимоясиз) уй, II – даражали иссиқлик ҳимоя қўлланилгандаи энергия аудит ва III – даражали иссиқлик ҳимояси қўлланилганда энергия сарфи ҳисоблаб чиқилди.

Ҳисоб китоблар уч турдаги биноларга тадбиқ қилинган: бир қаватли 6 хонали хом ғиштдан қурилган уй (2-жадвал); бир қаватли 5-хонали пахсали уй (оҳак-қум сувоқ қилинган) қурилган уйининг энергия сарфини ҳисоблаш (3- жадвал); давлат томонидан қурилаётган З хонали намунавий уй (4- жадвал).

6 хонали деворлари хом ғиштдан ишланган қишлоқ уйи ўлчамлари 12x13 м, полдан шифтгача баландлик 3 м, - ориентацияси шимолий-ғарб (16-расм). Ҳисоб натижалари 1 жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

№	Деворлари хом ғиштдан ишланган қишлоқ уйи	Йил давомида гиисиқлик сарфи кВт соат/йил	Солиширма иссиқлик сарфи кВт соат/ $m^2$ йил
1	Дастлабки ҳолат	27 962.3	182. 7
2	II- даражали иссиқлик химояси қўлланилганда	17 807.5	114. 2
3	III- даражали иссиқлик химояси қўлланилганда	13 804.3	88.5

Дастлабки ҳолат учун солиширма иссиқлик сарфи 182, 7 кВт соат/ $m^2$  йилга тенг. Бу ўрнатилган меъёр 265 кВт соат / $m^2$  йил нисбатан 31% кам. II – даражали иссиқлик химояси қўлланилганда кўрсатгич 114.2 кВт соат/ $m^2$  йилни ташкил этади – дастлаки ҳолатидан 37% кам. III – даражали иссиқлик химояси қўлланилганда солиширма иссиқлик сарфи 88,5 кВт соат/  $m^2$  га пасайди ва дастлабки ҳолатга нисбатан энергия иқтисоди 52% ни ташкил қиласди.

Деворлари пахсадан ишланган 5 хонали қишлоқ уйи ташқи ўлчамлари 10.4x 12.0 м, полдан шифтгача баландлик 3 м, девор қалинлиги 0.5 м, бино ориентацияси шимолий-ғарб.

Пахса деворли уй дастлабки ҳолати учун солиштирма иссиқлик сарфи

178.1 кВт соат/ $m^2$  йил. II ва III даражали иссиқлик ҳимоялари қўлланилганда солиштирма иссиқлик сарфи мос равиша 121.9 ва 93,1 кВт соат/ $m^2$  йил ташкил

қилди. III даражали иссиқлик ҳимояси қўлланилганда бинони иситишга сарфланадиган иссиқлик дастлабки ҳолга нисбатан 48% га камайган.

Қўлланилаётган энергиясамарадорлик чора тадбирларини замонавий қишлоқ уйларида аҳамиятлилигини аниқлаш учун меъёрий хужжатларда келтирилган тадбирларни 184 серия бўйича лойиҳаланган 3 хонали намунавий қишлоқ уйига тадбики кўриб чиқилади. Бинонинг ташқи ўлчамлари 14.2x11.5 м, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган, Хоналар баладлиги 3 м, бино ориентацияси жанубга қаратилган.

№	Намунавий қишлоқ уйи	Иссиқлик и вариантлар соат/йил	Солиштирма иссиқлик сарфи кВт соат/ $m^2$ йил
1	Дастлабки ҳолат	29 892.0	183. 0
2	II- даражали иссиқлик ҳимояси қўлланилганда	17 835.0	109. 2
3	III- даражали иссиқлик ҳимояси қўлланилганда	13 636.1	83.5

Замонавий лойиҳа бўйича ишланган намунавий уйлар ҳам ҳеч бир энергиятежамкорлик чора тадбирларисиз, дастлабки лойиҳа ҳолати бўйича, энергиятежамкорлик меъёрий талабларига жавоб беради яъни  $183,0 < 265$  (кВт соат/ $m^2$  йил). Энергиясамарадорлик чораларини қўлланиши

солиширма энергия сарфини мос равища 40% (109,2 кВт соат/м<sup>2</sup> йил) ва 54% (83,5 кВт соат/м<sup>2</sup> йил) гача камайтиради.

Иzlaniшлар натижасига кўра, ҚМҚ талабидан фарқли равища турар жойбинолар учун III ёки ундан ҳам баланд даражали энергияни ҳимоялаш усуларини қўллаш иқтисодий самарадор ечим бўлиши мумкинлигини кўрсатти.

XX асрда давлатларда иқтисодиётининг жадаллик билан ривожланиши, иссиқлик энергетика ресурсларини янада кўп сарфини талаб қилди. Йилдан-йилга нефт, газ ва кўмир қазиб чиқариш ўсиб борди. Бир қараганда ушбу маънбалар битмас-туганмас бўлиб кўрингандек эди. 1973-1974-йиллардаги энергетика тақчиллиги кўп мамлакатларни муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кераклиги тўғрисида ўйлаб кўришга ва иссиқлик энергетика ресурсларидан тежаб - тергаб фойдаланишга мажбур қилди. Бу эса кўп давлатларни ўз – ўзини энергия ресурслари билан таъминлаш даражасини ошириди. Лекин, ҳозирда барча Европа давлатлари учун энергетика муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, Европанинг айрим давлатларида ўз ресурслари билан таъминлаш даражаси 20-50% ни ташкил этади.

Бугунги кунда Европа мамлакатларида (Германия, Франция, Норвегия) энергияни тежаш мақсадида қатий чора тадбирлар қўллаш назарда тутилган. Қабул қилинган стандартлар бўйича бинони иситиш учун сарфланадиган энергия 15кВ соат/ м<sup>2</sup> бўлса бу турдаги бинолар энергия пассив бинолар тури ҳисобланади. Жумладан, иситиш учун сарфланадиган солиширма энергия 40- 50 кВ соат/ м<sup>2</sup> йилдан ошмаслигини таъминлаш зарурлиги меъёрий ҳужжатлардабелгилаб қуйилган.

Республикамиизда ҳам энергиянинг 40% турар-жой биноларига тўғри келади. Мавжуд биноларни иситишга сарфланадиган энергия европа стандартлари бўйича пассив ҳисобланадиган биноларга нисбатан энергия сарфи 10 баровар кўп ва бу ҳолат турар-жой биноларида энергияни тежаш патенциаликкаталигини кўрасатади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

11. ҚМҚ 2.01.18-2000\* “Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари”. Т.: ЎзР Давлат Архитектқура қурилиш қўмитаси 2012й.
12. ҚМҚ 2.03.10 – 95 “Томлар ва тўшамалар”. Т.: ЎзР Давлат Архитектқурақурилиш қўмитаси 2011й.
13. ҚМҚ 2.08.01 – 05 “Турар жой бинолари”. Т.: ЎзР Давлат Архитектқурақурилиш қўмитаси 2006й.
14. “Энергия самарадор бинолар томларини лойиҳалаш бўйича кўлланма” . Т.: ЎзР Давлат Архитектқура қурилиш қўмитаси, 2012й.
15. Lex.uz